

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРЧАЕВ АСАТУЛЛО НОРБЎТАЕВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Норчаев Асатулло Норбўтаевич

Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш
тенденциялари 3

Норчаев Асатулло Норбутаевич

Формирование и тенденции развития инфраструктуры современного
туризма 37

Norchaev Asatullo Norbutaevich

Formation and development trends of modern tourism infrastructure 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 75

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРЧАЕВ АСАТУЛЛО НОРБЎТАЕВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2018.3. DSc/Iqt150 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштрилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдувоҳидов Абдумалик Маҳкамович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гулямов Саидахроп Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Навруз-зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Пардаев Олим Мамаюнусович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72, Факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72, Факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.А. Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

А.А. Эштаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро туризм соҳаси 2020 йилгача жаҳон иқтисодиётида энг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 10,4 %, ҳар 1/10 иш ўрни, жаҳон экспортининг 7 %, хизматлар экспортининг 30 % тўғри келган. Дунё бўйича 2019 йилда 1,462 млн.дан ортиқ туристлар халқаро саёхатларга чиққан бўлиб, уларга кўрсатилган хизматлардан 1,480 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад олинган. Кутилмаганда юзага келган COVID-19 пандемияси оқибатида «2020 йилда туристлар сони 364,3 млн. кишини (олдинги йилга нисбатан 74 %га камайган), кўрсатилган хизматлар 371,0 млрд. АҚШ долларини (ўтган йилга нисбатан 75 %га камайган) ташкил этган»¹. Бундан кўриниб турибдики, туризм бугунги кунда жаҳон иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби чуқур инқирозни бошидан кечирмоқда.

Жаҳондаги барча давлатларда юзага келган инқироздан тезроқ чиқиб кетиш учун туризм ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, туризм хизматлари рақобатбардошлигини ошириш, туризм жозибадорлигига эътибор қаратиш, янги туризм хизматларини ишлаб чиқиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, минтақалардаги туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш, махсус туризм зоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш орқали инфратузилмани такомиллаштириш, ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда туризмни рентабелли соҳага айлантиришга бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, хусусан, замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, туризм фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, янги стандартлар ва бошқарув тизимлари такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга меҳмонхоналар, овқатлантириш корхоналари, транспорт тармоқларини ривожлантириш орқали инфратузилмани такомиллаштириш, инновацион технологияларни қўллаш, махсус туристик-рекреацион ҳудудларни ташкил қилиш борасида тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда бу масалаларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш саъй-ҳаракатлари тобора кучайтирилмоқда.

Бу жараёнда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»² муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий туризм инфратузилмасини такомиллаштириш орқали

¹ www.unwto.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

хорижлик туристлар оқимини кўпайтириш, ички туризмга маҳаллий аҳолини кенгроқ жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, туристик ресурслардан мақсадли фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон, 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6165-сон фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3510-сон, 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4095-сон, 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон, 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5054-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Туризм инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University, Princeton University, Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Universidad Complutense (Испания), University of Munster (Германия), Sejong University, Korea Development Institute (Жанубий Корея), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Туркия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Ипак Йўли» халқаро туризм университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент давлат аграр университети, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университетида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Stanford University, Princeton University (АҚШ), Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Universidad Complutense (Испания), Sejong University Korea Development Institute (Жанубий Корея), Gazi University (Туркия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

Туризм соҳасини ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: туризм фаолиятининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган, тизим бошқарувини оптималлаштириш учун зарур ташкилий ўзгаришларнинг таъсири баҳоланган (Stanford University, Harvard University – АҚШ; University of Munster – Германия); туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва унинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар (Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Universidad Complutense – Испания); минтақавий туризмни ривожлантириш ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, туризм хизматларини кўрсатишда халқаро стандартларни жорий қилиш, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари (Sejong University, Korea Development Institute– Жанубий Корея); туризм хизматлари экспорти ҳажми ошиши ЯИМ ҳажми ортишига кўрсатувчи таъсири ўрганилган (Gazi University – Туркия), туризмнинг мамлакат ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирининг назарий ва услубий жиҳатлари асосланган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Ипак Йўли» халқаро туризм университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университети – Ўзбекистон).

Жаҳонда туризм инфратузилмасини шакллантириш ва уни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минтақалараро, минтақавий, мамлакат, ҳудуд ва маҳаллий туризм инфратузилмасини такомиллаштириш; туризм объектларини барпо этишда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш; туризмда рақамли инновацион технологик платформаларни яратиш; туризм кластерлари фаолиятини ривожлантириш; қишлоқларда туризмни ташкил қилишда туристик ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳасини ривожлантиришга оид адабиётларда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг айрим назарий ва методологик масалалари ўрганилган. Бу борада, хорижлик етакчи олимлардан P.Kotler, J.Bowen, J.Makens, Chris Ryan, D.Lundberg, M.Krishnamurthy, Ch.Y.Gee, J.C.Makens, D.Chey сингари олимларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади⁴. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида туризмнинг назарий жиҳатлари, ривожланиш тарихи, эволюцияси, тамойиллари ҳамда ҳозирги шароитда туризмнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

⁴ Kotler P., Bowen J. Makens J. Marketing For Hospitality & Tourism Pearson International Edition 2014, USA., Chris Ryan. Recreational Tourism: Demand and Impacts/Channel View Publications, 2003. – 358 p., Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. – 210 p., Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey, D. The Travel Industry. 3d. Wdit. – New York John Wiley Sons Inc. 2003. – 250 p.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида туризм соҳасини ривожлантириш муаммоларига А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.Б.Биржаков, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, М.Н.Дмитриев, Л.В.Баумгартен, А.М.Ветитнев, Л.Б.Журавлева, А.В.Борисова, Д.С.Ушаков, М.А.Жукова сингари олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар⁵. МДХ олимларининг бу ишларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахманов, Н.Т.Тўхлиев, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Д.Х.Асланова, Б.Н.Наврўз-зода, О.М.Пардаев, А.М.Абдувоҳидов, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, Б.Ҳ.Тўраев, О.Ҳ.Хамидов, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алиева, Н.Э.Ибадуллаев, Н.С.Ибрагимов, Б.Ю.Мирбабаев, С.С.Рўзиев⁶ сингари олимларнинг илмий ишларида менежмент, туризм соҳасида бошқарув тизими ва самарадорлиги, Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш муаммолари ва меҳмондўстлик

⁵ Александрова А. Ю. Международный туризм. Учебное пособие для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2001. – 464 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2003. –176 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издание 9-е переработанное и дополненное. – СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. – 576 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4-е изд., стереотип. – Минск: Новое знание, 2004. – 409 с.; Квартальнов В.А. Туризм: история и современность: Избранные произведения: В 4-х т. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 499 с.; М.Н.Дмитриев, М.Н.Забаева, Е.Н.Мальгина. Экономик туристского рынка: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям сервиса и туризма. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. –311 с.; Л.В.Баумгартен. Управление качеством в туризме. Практикум: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.; А.М. Ветитнев, Л.Б. Журавлева. Курортное дело: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. 528с.; А.В.Борисова. Курортное дело и оздоровительный туризм: учебное пособие. – Ярославл: ЯрГУ, 2009. – 114 с.; Д.С.Ушаков. Экономика туристской отрасли: учебное пособие. – Ростов на Дону: «МарТ»; Феникс, 2010. – 446 с.; Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – 160 с.

⁶ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х.,Рахманов Д.А.,Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 203б.; Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – 2006. – 367 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. – 137 б.; Мухаммедов ва бошқалар Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. – С.: Зарафшон 2007. -299 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом. //Сервис, 2013. – №1. – С.: 4-9; Н.Наврўз-зода Б., Ибрагимов Н.С., Наврўз-зода З.Б., Наврўз-зода Ш.Б. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: «Sadrididdin Salim Vuxoriy» Durдона nashriyoti, 2017 -156 б.; Пардаев О.М. Менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2019. – 248б.; Абдувоҳидов А.М.. Туризмда электрон бизнес. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ. Иқтисодиёт, 2020. – 189 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). DSc. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. – 265 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). DSc. диссертация автореферати – Самарқанд. 2019. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма: – док.дисс. автореф., 2011. – 38 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: канд. дисс. автореф, 2006. – 22 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услугий асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2016. – 254 б.; М.Т. Алиева. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари: икт.фан.док. дисс. автореф. – С.: СамИСИ, 2019. – 77 б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). – икт. фан.ном.дисс.автореф. – Самарқанд, 2010. Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлан-тиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. – икт.фан.ном. дисс.автореф, 2008. – 23 б.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмда маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. – икт.фан.ном. дисс.автореф. 2008. – 23 б.; Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари: – икт.фан.ном. дисс. автореф. 2009. – 21 б.

индустрияси, бошқарув назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг салоҳияти ва уларни ривожлантириш масалаларига кенг эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимлар ўз тадқиқот ишларида туристик хизматларни ташкил этиш, самарадорлигини ошириш, замонавий бошқарувни жорий қилиш, туризм индустриясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга етарлича ҳисса қўшганлар. Шунингдек, улар томонидан олиб борилган илмий изланишларда замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш, рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш, ҳудудий инфратузилмани ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, туризмда кластерларни жорий қилиш, туризм фаолиятини мувофиқлаштириш сингари масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан рақамли инновацион технологиялар иқтисодиётга кенг жорий қилинаётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида туризм инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш механизмлари ҳамда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ омилларни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий-методологик асосини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий туризм инфратузилмасининг ривожланиши ва шаклланиш жараёнларининг илмий-назарий методологик асосларини такомиллаштириш;

туризм инфратузилмасини ташкил қилувчи воситалар ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

жаҳон туризмнинг ривожланиши тенденциялари, туризм хизматлари кўрсатиш ва туристик ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш асосида инфратузилмани ривожлантириш тамойиллари ҳамда услубларини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятларини омиллар кўрсаткичлари орқали баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

республикамизда туристларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари ва динамикасини таҳлил қилиш ҳамда истиқболдаги ривожланиши бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

туризм инфратузилмасини шакллантиришда инновацион технологияларни қўллаш орқали самарадорликка эришиш ва инфратузилма таркибини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

туризмга инновацияларни кенг жорий қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва давлат-хусусий шерикчилиги механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли инновацион технологияларни қўллашнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;

туризмда кластер усулларини қўллашнинг самарали йўллари ва минтақавий туристик-рекреацион кластерларни жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;

COVID-19 пандемиясининг туризмга таъсирини юмшатиш, пандемия шароитида туризмни ривожлантиришда етакчи хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланишнинг амалий таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиш;

туризм инфратузилмаси кўрсаткичларини кўп омилли эконометрик моделлаштириш орқали даромадлар ошишига таъсири ва ривожланишнинг 2025 йилгача бўлган даврлари учун прогнозлашни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси туризм инфратузилмаси фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети туризм инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, мантиқий ва қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий таққослаш, сабаб ва оқибат, замон ва макон, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик, статистик гуруҳлаш, социологик сўров, SWOT-таҳлил, моделлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақаларда туристик ресурслардан самарали фойдаланишда давлат-хусусий шерикчилик асосида туризм инфратузилмасини такомиллаштириш асосланган;

«Миллий PR маркази» ДУК фаолиятини такомиллаштириш асосида туристларга хизмат кўрсатишда миллийликни тарғиб қилиш, туристик субъектларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш, сафарлар давомийлигини узайтириш орқали туристик хизматлар экспортини ошириш мақсадида «Туризм мультимедиа маркази» ДУКни ташкил қилиш асосланган;

туристларга халқаро даражада хизмат кўрсатиш ва инфратузилмани такомиллаштиришда рақамли инновацион технологик платформанинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

табиий географик, туристик рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида «Жиззах туристик-рекреацион кластери»ни ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туризм инфратузилмаси ривожланишига COVID-19 пандемияси таъсирини 2025 йилгача бўлган ўрта муддатли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

туризм инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари бир тизимга келтирилган ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар кўрсатиб берилган;

туризм инфратузилмаси тармоқларининг интеграциялашувини такомиллаштириш орқали туризм хизматлари сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

туризмга инновацион технологияларни татбиқ этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва давлат-хусусий шерикчилиги асосида инфратузилмани ривожлантириш асослаб берилган;

туристларга хизмат кўрсатишда рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш ва уни ривожлантиришнинг технологик имкониятлари асослаб берилган;

туристларга хизмат кўрсатишда минтакавий туристик-рекреацион кластерлар имкониятларидан самарали фойдаланиш тизими ишлаб чиқилган;

туризмда COVID-19 пандемияси сабабли кутилмаганда юзага келган муаммоларнинг таъсирини юмшатиш йўналишлари кўрсатиб берилган;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, унга таъсир этувчи омиллар эконометрик моделлаштирилган ва ўрта муддатли прогнозлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базаси расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти расмий маълумотлари манбаларидан олингани, тегишли хулоса ва таклифлар амалда синовдан ўтказилганлиги, натижалар ваколати давлат органлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар бозор иқтисодиёти шароитида замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш ва республикада туризм индустрияси самарали фаолият юритишига, миллий туризм маҳсулотлари рақобатбардошлигини инновацион технологиялар қўллаш асосида таъминлашга қаратилганлиги билан изоҳланади. Бу натижалардан республикамизнинг туризм инфратузилмасини шакллантиришда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, туризмга рақамли инновацион технологияларни қўллаш орқали самарадорликни ошириш ва ривожланиш стратегиялари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш кенг фойдаланиш мумкинлиги унинг илмий аҳамиятини янада оширади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларга асосан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан республикада туризм инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича дастурий ҳужжатлар, комплекс чора-тадбирлар, туризм фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Туризм: назария ва амалиёт», «Туризм географияси», «Туризмда инновация», «Меҳмонхона менежменти», «Туристтик рекреация хуудларини лойиҳалаштириш», «Туроператор менежменти», «Туризм ривожланишини прогнозлаш» фанларидан ўқув дастурлар,

қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда услубий манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамиз туризм инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туризм инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва туристик ресурслари салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, ҳудудларда инфратузилмани ривожлантиришга имкон яратувчи вертикал интеграциялашувни мувозанатлаштириш бўйича берилган таклифдан республикамиз минтақаларида, хусусан Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикасида туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3424-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши республикамиз минтақаларининг табиий-географик жойлашувига кўра туризмнинг турларини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишга хизмат қилган;

бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз туризми инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда туризм ривожланишининг 2025 йилгача бўлган дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3424-сон маълумотномаси). Шунингдек, инфратузилмани ташкил қилувчи объектлар ва субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш таъминланган;

туристик корхоналарда инновацияларни амалга ошириш механизмлари ва туризмда инновацион технологияларни жорий қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3424-сон маълумотномаси). Натижада, туристларга хизмат кўрсатишда ва туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда инновациялардан фойдаланиш имконини берган;

«Туризм мультимедиа маркази» ДУКни Туризм қўмитаси қошида ташкил қилиш ва унинг амалга оширадиган вазифалари бўйича берилган таклифдан Туризм қўмитаси қошидаги «Миллий PR маркази» ДУК фаолияти такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3424-сон маълумотномаси). Шу билан биргаликда, туристик хизмат кўрсатишда миллийликни тарғиб қилиш,

туристик ташкилотларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш, мультимедиали рекламаларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Республикамиз туризмига «Туризм 4.0» рақамли платформа моделини жорий қилиш механизми бўйича берилган таклиф бугунги кунда, айниқса, ахборотларни тарқатиш, қайта ишлаш жараёнида жуда муҳим бўлиб, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва туристик сафарлар вақтидан унумли фойдаланиш орқали самарадорликка эришиш таъминланган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3424-сон маълумотномаси). Шунингдек, мазкур платформа моделидан давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда кенг фойдаланилган;

«Жиззах туристик-рекреацион кластери»ни ташкил қилиш механизми бўйича берилган таклиф минтақавий туристик рекреацион кластерларни ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, табиий ресурсларга бой бўлишига қарамасдан ривожланиш талаб даражасида амалга ошмаётган Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги 02-16/3424-сон маълумотномаси). Шунингдек, мазкур тавсия этилган туристик-рекреацион кластер моделидан республикамиздаги махсус туристик зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 21 та (шу жумладан, 12 та халқаро ва 9 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр қилинган. Уларнинг 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган мақолалар ҳисобланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 242 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Замонавий туризм инфратузилмаси ривожланишининг илмий-назарий асослари**»га бағишланган. Мазкур бобда замонавий туризмнинг вужудга келиши жараёнлари, туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, туризм инфратузилмасини ташкил қилувчи воситалар, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, жаҳон туризмнинг ривожланиш шарт-шароитлари ва тенденциялари кенг кўламда тадқиқ қилинган.

Туризм ёки сайёҳликнинг илк бор бошланиши қадим даврларга бориб тақалади. Кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга бориши кўп ҳолларда савдо-сотик юмушлари, атроф-оламни кўра-билиш истаги, диний ва дам олиш омиллари билан боғланган. Бу каби омиллар БМТнинг бу соҳага алоҳида аҳамият беришига олиб келди. 1963 йилда Римда БМТнинг туризм ва саёҳатлар бўйича I конференцияси ўтказилди. Конференцияда «Вақтинчалик келувчи», «Турист», «Экскурсант» каби туризмдаги махсус тушунчаларга аниқлик киритилди. Лекин шу кунгача хорижий илмий адабиётларда «Туризм» тушунчасини аниқлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувларни турлича белгиларга кўра бир неча гуруҳларга бирлаштириш мумкин: туризм – кишиларни йўналиш бўйича аниқ объектга ташриф буюриши ёки махсус қизиқишини қондириш ва доимий яшаш жойига қайтиб келиш ҳаракатларининг алоҳида шаклидир; туризм – кишиларнинг ҳаракатланиши (жойини ўзгартириши), уларни доимий яшаш жойида бўлмаслиги ва қизиққан объектида (сафарда) вақтинча бўлиши; туризм – дам олишни, бўш вақтни ўтказишнинг оммавий шакли сифатида ўрганилади.

1991 йилда Оттавада (Канада) бўлиб ўтган Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БТТ) конференциясида концепция сифатида талаблар йўналиши танланди ва «Туризм – одатдаги муҳитдан ташқарида дам олиш, ишга алоқадор ва бошқа мақсадларда бир йилдан кўп бўлмаган даврда бўлган саёҳат ва жойларда бўлишни амалга оширган шахс фаолияти» – деб таъриф берилди.

Юқорида кўриб ўтилган омиллардан хулоса қилиб олинса, муаллифнинг фикрича «**Туризм давлатлар иқтисодиётини мустаҳкамловчи, алоқаларни ривожлантирувчи, кишиларнинг маънавий ва ижтимоий аҳволини яхшиловчи тармоқдир**»⁷ – дейилса хато бўлмайди.

Бирмунча шаклланган туризмни биринчи бўлиб Томас Кук Англияда амалга оширди. У ўз фаолиятини кенгайтира бориб, 1860 йилда дунёда биринчи бўлиб «Thomas Cook Travel» туризм корхонасини очди ва сафарлар географиясини мунтазам кенгайтириб борди. Томас Кук соҳага қуйидаги янгиликларни олиб кирди: транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда оммавий саёҳат қилиш; кредитга саёҳат қилиш; ёшлар учун маънавий-маърифий саёҳатлар; ишчилар учун махсус саёҳатлар уюштириш; валюта алмаштириш операциялари ва бошқалар.

Тадқиқотларимиз натижалари бўйича халқаро туризм ривожланишини қуйидаги босқичларга бўлиб чиқдик: биринчи босқич 1840-1914 йиллар (халқаро туризмни ташкил қилишга илмий томондан ёндашилди); иккинчи

⁷ Тадқиқотчининг «Туризм» тушунчасига берган таърифи.

босқичи 1920-1938 йилларни ўз ичига олади (биринчи жаҳон уруши тугаши билан туризм қайта тиклана бошлади, туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари такомиллашуви, ҳарбий самолётлар йўловчиларни ташишга мослаштирилиши натижасида туристлар ҳаракати бир неча бор тезлашди); учинчи босқичи 1950-1970 йиллар (иккинчи жаҳон уруши тугаши билан қайтадан оёққа тура бошлади, туризмга ҳам интеграцион жараёнлар кириб кела бошлади); тўртинчи босқичи 1970-1990 йиллар (ахборот-коммуникацион технологиялар, глобал дистрибьютор тизими (Global Distribution Systemes), трансмиллий компания(ТМК)лар туризмга кириб келди); бешинчи босқичи 1990-2010 йиллар «Замонавий туризм» тушунчаси қўлланила бошлади, туризмнинг жаҳон ЯИМда улиши кескин равишда ортиб борди, туризмда стратегик альянслар пайдо бўла бошлади, кластер усули туризмда қўллана бошлади); олтинчи босқичи 2010 йилдан ҳозиргача бўлиб, туризмда рақамли инновацион технологиялар жорий қилина бошлади, туристлар учун макондан ташқарида саёҳатлар (космик туризм) таклиф қилина бошлади⁸.

Юқоридаги босқичлардан кўриниб турибдики, жаҳон иқтисодиётига катта таъсир ўтказадиган йирик Трансмиллий компаниялар (ТМК), меҳмонхоналар занжири, замонавий овқатланиш корхоналари, йирик кўнгилочар объектлар инфратузилмаси пайдо бўлиши туризмни ривожлантиришга жуда қулай шарт-шароитлар яратади. Мисол учун, XXI асрда космик туризмни ривожлантириш, сайёҳларни космосда сайр қилдириш асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. Ривожланган давлатлар келажақда туризмни космослараро ривожлантиришни мақсад қилиб олмоқда.

Туристлар талабининг ортиб бориши инфратузилмани ташкил қилувчи воситаларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга сабаб бўлмоқда. Инфратузилмага транспорт, алоқа, коммуникация, маиший хизмат, таълим ва коммунал хўжалик, турар жой, аҳолининг биргаликда ҳаёт кечириши учун зарур эҳтиёжларини қондириш мажмуи киради. Инфратузилма элементлари турли хил белгиларига кўра таснифланади.

Инфратузилмани кенг миқёсли мезонлари бўйича халқаро, миллий, ҳудудий, шаҳар, қишлоқ инфратузилмаларга ажратилади.

Шу сингари, туризм инфратузилмаси туризм соҳасининг ажралмас қисми бўлган икки элементни ўз ичига олади. Биринчи элемент меҳмондўстлик индустрияси бўлиб, унга турар жой ва овқатлантириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар киради.


Иккинчи элемент инфратузилманинг таркибий қисмлари бўлиб, у уч босқичли тизимни ўз ичига олади. Инфратузилманинг биринчи босқичи турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо туризм хизматларини тақдим этиш учун зарур бинолар, транспорт, алоқа, энергетика, молия, суғурта, хавсизлик тизимларини ўз ичига олади.

Инфратузилманинг иккинчи ва учинчи тизимига туризм фаолияти ва турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ автомобиллар ижараси компаниялари, такси парклари, ресторанлар, спорт клублари,

⁸ Тадқиқотчи томонидан халқаро туризм ривожланиши босқичларга бўлиб чиқилди.

музейлар, кинотеатрлар, кўргазма заллари, цирklar, парклар ва бошқа ташкилотлар киради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб олинса, муаллифнинг фикрича, «Туризм инфратузилмаси туристларнинг ошиб бораётган талабларини қондириш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва объектлар мажмуасидир»⁹ – дейилса хато бўлмайди.



1-расм. Туризм инфратузилмасининг таркибий тузилиши¹⁰

Туризм инфратузилмаси қандай шакллантирилганлиги ва ишлашини туризм хизматлари бозори белгилаб беради. Шу билан бирга туризм инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишига бир қатор омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Буларга: географик; иқтисодий; сиёсий; ижтимоий-демографик; хавфсизлик; фан-техника тараққиёти (инновациялар) омилларини киритиш мумкин.



2-расм. Туризм инфратузилмаси ривожланишига таъсир этувчи географик омиллар пирамидаси¹¹

⁹ Тадқиқотчининг «Туризм инфратузилмаси» га берган таърифи.

¹⁰ Туризм инфратузилмасининг таркибий қисмлари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹¹ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини туризмсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди. Жаҳон туризми макориқтисодий кўрсаткичларига тўхталинса, туристлар сони 2010 йилда 925 млн., 2015 йилда 1,196 млн., 2016 йилда 1,241 млн., 2017 йилда 1,329 млн., 2018 йилда 1,401 млн., 2019 йилда 1,462 млн.дан ортиқни ташкил этган ҳолда йиллик ўсиш 3,8 % бўлди.

1-жадвал

Минтақаларнинг туристларни қабул қилиш кўрсаткичлари¹²

Минтақалар номи	Йиллар бўйича туристлар сони, млн. киши ҳисобида					Йиллар бўйича ўсиш %да	
	2010	2016	2017	2018	2019	18/17	19/18
Европа	486,4	619,5	673,3	710,0	744,3	5,5	4,0
Осиё ва Тинч океани	208,2	306,0	324,0	347,7	360,6	7,3	3,7
Америка	150,4	201,3	210,8	215,7	220,2	2,3	2,0
Африка	50,4	57,7	62,7	67,1	73,2	7,0	6,4
Яқин Шарқ	56,1	55,6	57,7	60,5	64,2	4,7	6,8
Жами	952,0	1,240	1,329	1,401	1,462	5,4	3,8

Туристларга кўрсатилган хизматлардан келаётган тушумлар ҳам мутассил равишда ошиб бормоқда, бу кўрсаткич 2015 йилда 1,221 млрд., 2016 йилда 1,245 млрд., 2017 йилда 1,346 млрд., 2018 йилда 1,451 млрд., 2019 йилда 1,480 млрд. АҚШ доллари миқдоридан бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 %ни ташкил этган.

Умуман, халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари кўрсатишича, ҳар бир минтақа турмахсулотларини жаҳон талаби даражасига келтириш ва маркетинг соҳасидаги (Европа ва Америка минтақаси тажрибаси асосида) баъзи бир камчиликларни бартараф этиш учун кўпроқ маблағ ажратиш тақозо қилинади.

Ишнинг «Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолати» номли иккинчи бобида республикамиз туризми инфратузилмасининг шаклланиш босқичлари, туристларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари ва кўрсатилган хизматлар таҳлили, туризм инфратузилмаси тармоқлари такомиллашуви ва ривожланиш ҳолатининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Республикамизда 1992 йилдан бошлаб, миллий туризм инфратузилмаси шакллана бошлади. Туризм инфратузилмасининг шаклланиш жараёнларини қуйидагича босқичларга бўлиб чиқдик: биринчи босқичда 1992 йил туризмнинг ташкилий-иқтисодий ва бошқарув жараёнлари шакллантирилди ва «Ўзбектуризм» МК ташкил этилди; иккинчи босқич 1993-1994 йилларни ўз ичига олиб, туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг миллий модели ишлаб чиқилди, туризм объектлари давлат тармоғидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди; учинчи босқич 1995 йилни ўз ичига олиб, унда энг асосийси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хорижлик туристлар учун ягона

¹² World Tourism Organization (UNWTO) йиллик статистик маълумотлари асосида тузиб чиқилган.

туристик виза (бутун мамлакат худудида амал қилувчи) жорий қилинди; тўртинчи босқич 1996-1997 йиллар «Ўзбектуризм» МК тизимидаги барча туризм объектларининг 90%и давлат тасарруфидан чиқарилди, ривожланишнинг янги кўриниши республикамиз туризмига кириб келди; бешинчи босқич 1998 йилни ўз ичига олиб, «Ўзбектуризм» МКси қайта ташкил қилинди, хусусий туризм ташкилотлари ассоциациясига асос солинди; олтинчи босқичи 1999-2016 йиллар Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларида чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди. «Туризм тўғрисида»ги қонун қабул қилинди; еттинчи босқичи 2016 йилдан ҳозиргача бўлиб, «Ўзбектуризм» МК негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, эркин туристик зона (ЭТЗ)лари ташкил этилди, янгиланган ва қайта ишланган «Туризм тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Шу билан бирга туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ҳам белгилаб олинди. Стратегияни танлашда халқаро лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Хитой ҳукумати томонидан илгари сурилаётган «Бир макон-бир йўл» (BRI) лойиҳаси асосида «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашнинг замонавий лойиҳаси таклиф этилмоқда. 2013 йилдан бери унда умумий аҳолиси 4,6 миллиард киши ва ЯИМ 30 триллион АҚШ долларига тенг бўлган ўнлаб мамлакатлар иштирок этмоқда.

Республикамиз бу лойиҳа орқали Марказий Осиёдаги транспорт салоҳиятини максимал даражада ошириш ва «Хитой-Марказий Осиё-Ғарбий Осиё» иқтисодий йўлагини шакллантиришдан манфаатдор. Ушбу мақсадда, 2016 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа худудлари билан боғловчи «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темирйўл барпо этилди. Мазкур йўл Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари ҳозирда жадал қурилиш олиб борилаётган «Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон» темир йўли қурилиши натижасида Ўзбекистондан Хитой ва Жанубий Осиёга тўғридан тўғри чиқиш имконияти юзага келади. Бу каби лойиҳалар иштирокчисига айланиш Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизга сўнгги йилларда туристлар ташрифи ва туризм хизматлари экспорти барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони 2010 йил 870,9 минг, 2017 йил 2,690 минг, 2018 йил 5,346 минг, 2019 йил 6,748 мингтани ташкил қилган бўлиб, 2017 йилга нисбатан 2019 йилда қариб 2,5 баробар ортганлигини, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан туристлар ташрифи 26,8 %га ошганлигини кузатиш мумкин. 2020 йилда пандемия туфайли республикамизга 1,504 минг турист ташриф буюрди.

Туризм хизматлари экспортининг 2010 йилги кўрсаткичи 121,4 млн. бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йил 546,9 млн., 2018 йил 1,041 млн., 2019 йилда 1,313 млн., 2020 йилда 261 млн. АҚШ долларини ташкил этган¹³ (2-жадвал).

¹³ www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan маълумотлари.

Туристтик ташрифлар таҳлили кўрсатишича, республикамизнинг ташқи туризм бозорини иккига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. МДХ (МДХ ва яқин қўшни мамлакатлар) ва узоқ хорижий мамлакатлар туризм бозорига бўлиб ўрганиш тавсия қилинади.

2-жадвал

Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар ва туризм хизматлари экспорти ҳажми кўрсаткичлари¹⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2010	2016	2017	2018	2019	2020
Ташриф буюрган туристлар (минг. киши ҳисобида)	870,9	2,070	2,690	5,346	6,748	1,504
Туристтик хизматлар экспорти (млн. АҚШ дол. ҳисобида)	121,4	214,8	546,9	1,040	1,313	261

Республикамизга Қозоғистондан 2017 йил 1,784 минг, 2018 йил 2,253 минг, 2019 йил 2,261 минг, Тожикистондан 2017 йил 261,3 минг, 2018 йил 1,131 минг, 2019 йил 1,474 минг, Қирғизистондан 2017 йил 324 минг, 2018 йил 1,034 минг, 2019 йил 1,455 минг, Туркманистондан 2017 йил 62,5 минг, 2018 йил 178,4 минг, 2019 йил 574,8 минг, Россия Федерациясидан 2017 йил 143,9 минг, 2018 йил 371,1 минг, 2019 йил 458,4 минг турист ташриф буюрган.

Шу сингари, узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган туристлар тенденцияси кўриб чиқилганда асосий туристларни етказиб берувчи саккизта мамлакат мавжудлиги аниқланди. Бу давлатлар туризм бозоридаги оқимининг ўртача 60-70 %ни таъминлаб бермоқда. Хорижлик ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми Туркияга тўғри келган бўлиб, 2017 йилда 55,2 минг, 2018 йилда 41,2 минг, 2019 йилда 63,5 минг, кейинги ўринларда Хитойдан 2017 йил 19,7 минг, 2018 йил 32,4 минг, 2019 йил 54,2 минг, Корея Республикасидан 2017 йил 37,4 минг, 2018 йил 27,2 минг, Ҳиндистондан 2017 йил 16,4 минг, 2018 йил 21,0 минг, 2019 йил 27,8 мингга турист ташриф буюрган¹⁵.

Республикамизда туризм фаолияти юритаётган субъектлар сони бўйича таҳлил қилинса, туризм фирма ва ташкилотлари сони ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ортган. 2012 йилда уларнинг сони 345та бўлган бўлса, 2016 йилда 433 та, 2017 йилда 499 тани ташкил этган.

Республикамизда фаолият юритаётган туроператорлар сони ҳам 2017 йилда 2016 йилга 127 тага кўпайиб, 749 тани, 2018 йил 983 тани, 2019 йил 1482 тани ташкил қилди. 2019 йилда 2016 йилга нисбатан фаолият юритаётган туроператорлар сони қариб 2,5 бароварга ошди¹⁶.

Туризм инфратузилмасининг асосий тармоғи бўлган меҳмонхона ва жойлаштириш воситалари фаолияти таҳлил қилинса, республикамизда 2010 йил 412 та, 2016 йил 750 та, 2017 йил 772 та, 2018 йил 914 та, 2019 йил 1188 та, 2020 йилда 1308 та меҳмонхона фаолият юритган.

¹⁴ www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan маълумотлари асосида тузилди.

¹⁵ www/stat.uz ва uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan статистик тўплами маълумотлари.

¹⁶ www.uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan статистик тўплами маълумотлари

Шунга мос равишда меҳмонхоналардаги номерлар (хоналар) сони 2010 йил 9,5 минг, 2016 йил 17,2 минг, 2017 йил 19,0 минг, 2018 йил 20,2 минг, 2019 йил 26,1 минг, 2020 йилда 29,2 тани ташкил этди. Мавжуд меҳмонхоналардаги номерларда 2010 йил 20,6 минг, 2016 йил 37,8 минг, 2017 йил 39,0 минг, 2018 йил 41,2 минг, 2019 йил 53,4 минг, 2020 йилда 61,5 минг ўрин (жой) туристларга хизмат кўрсатиш учун яратилган.

3-жадвал

Ўзбекистонда меҳмонхона индустриясининг ривожланиш кўрсаткичлари¹⁷ (сони, бирлик)

Кўрсаткичлар номи	Йиллар						Ўсиш%да
	2010	2016	2017	2018	2019	2020	2020/2019
Меҳмонхоналар	412	750	772	914	1188	1308	10,1
Номерлар/хоналар	9476	17250	19000	20216	26147	29218	11,7
Ўринлар/жойлар	20600	37800	39000	41158	53439	61506	15,0

Туризм инфратузилмасининг асосий воситаларидан яна бири транспорт тармоғи ҳисобланади. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада транспорт соҳасида қарийб 15360 та турли мулкчилик шаклдаги корхона ва ташкилотлар фаолият юритаётган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 2030 тага, ўсиш 15,2 %ни ташкил этган¹⁸.

Инфратузилма имкониятларини баҳолаш учун туристларга республикада транспорт хизмати кўрсатиш бўйича таққослама кузатиш орқали рейтинг тузиб чиқиш лозимлиги аниқланди. Маълумотлар асосида ҳар бир кўрсаткич бўйича 10 балли баҳолаш тизими бўйича белгилаб олинди (4-жадвал).

4-жадвал

Транспорт воситаларининг таққослама рейтинги¹⁹ (баҳолаш мезони ҳар бир кўрсаткич бўйича 10 балл)

Баҳолаш мезонлари	Транспорт воситаларининг турлари			
	Темирўл воситалари	Автобуслар	Енгил автомобиллар	Самолётлар
Ҳаракат хавфсизлиги	8	4	3	7
Саёҳат қиймати	2	3	4	8
Тезлик	6	6	8	10
Оммавийлик	6	7	8	9
Турист хоҳиши бўйича йўлда тўхташ имконияти	1	8	10	1
Сиғими	9	4	1	10
Шинамлиқ даражаси	8	6	7	9
Кўрсаткичлар бўйича жами баллар	40	38	41	54

¹⁷ www/uzbektourism.uz ва Tourism in Uzbekistan статистик тўплами маълумотлари асосида тузилди.

¹⁸ www/stat.uz.

¹⁹ Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатадиган транспорт воситаларининг таққослама рейтинги тузиб чиқилди.

Таққослама маълумотлар асосида ҳаракат хавсизлиги бўйича темир йўл 8 балл, самолётлар 7 балл билан юқори кўрсаткичга эга, шунга мос равишда тезлик бўйича енгил автомобиллар 8 балл, самолётлар 10 балл, туристлар оммавий фойдаланиши бўйича енгил автомобиллар 8 балл, самалётлар 9 балл, туристлар хошиши бўйича йўлларда тўхташ имконияти бўйича енгил автомобиллар 10 балл, автобуслар 8 балл, сифими бўйича темир йўл воситалари 9 балл, самолётлар 10 балл, шинамлиқ даражаси бўйича темир йўл 8 балл, самолётлар 9 балли кўрсаткичларга эга бўлди.

Юқоридаги таҳлилар натижаси бўйича Ўзбекистонда самолётлар 54 балл, енгил автомобиллар 41 балл, темир йўл 40 балл, автобуслар 38 балл кўрсаткичга эга бўлди. Бундан кўриниб турибдики, туристларга хизмат кўрсатишда ҳаво транспорти устуворликка эга экан.

Буларни ҳисобга олган ҳолда 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, республикамиздаги 4 та Нукус, Бухоро, Қарши ва Термиз халқаро аэропортлари «Очиқ осмон» тартиби жорий қилинди. 2019 йил 3 октябрдан «ИрАэро» авиакомпанияси «Санкт-Петербург-Қарши-Санкт-Петербург» йўналиши бўйича парвозларни йўлга қўйди. Шунингдек, 2019 йил 22 декабрдан «Москва-Андижон-Москва» рейси ҳам очилди²⁰. Шу билан бирга, республикамизда туристларга транспорт хизмати кўрсатишда темир йўлнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Турист ва йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 2011 йилда «Афросиёб» тезюарар поездининг Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши фойдаланишга топширилди. Аини пайтда Тошкент-Бухоро-Тошкент, Тошкент-Қарши-Тошкент йўналишларида бир нечта «Афросиёб» тезюарар поездларидан фойдаланилмоқда. Шу билан бирга республикамизни водий вилоятлари билан боғловчи «Қамчиқ» давонида очилган темир йўл тунели ишга тушиши билан Тошкент-Андижон, Андижон-Бухоро, Андижон-Урганч йўналишларида бир нечта тезюарар поездлар қатнави йўлга қўйилди.

Диссетацяннинг учинчи боби «**Туризм инфратузилмаси ривожланишида инновацияларнинг қўлланиш шарт-шароитлари**»га бағишланган. Ушбу бобда туризм инфратузилмаси ривожланишига инновацияларнинг таъсири, туризмда инновацияларни давлат томонидан қуллаб-қувватлаш механизмлари ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли инновацион технологияларни қўллаш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Инновация ибораси инглизча «innovation» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «янгилик» деган маънони беради. Умуман, инновация янги илмий-техник ютукни ифодалаб, янги маҳсулотнинг амалда қўлланилиш жараёнига айтилади. Инновацион ишланмаларни корхоналар тўғридан-тўғри жорий қила олмайди. Бунинг учун пухта тайёргарлик ишларини олиб бориш керак. Шу сингари, туризм соҳасида ҳам муаллифнинг фикрича, инновацион жараёнларни амалга оширишда қуйидаги босқичлар: биринчи босқичда ғояларни бир тизимга келтириш; иккинчи босқичда аниқланган ғояларни танлаш; учинчи босқичда янги турмаҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш; тўртинчи босқичда янги турмаҳсулот яратишни ўрганиб чиқиш; бешинчи


²⁰ Tourism in Uzbekistan статистик тўплами маълумотлари.

босқичда туризм бозорида тест ўтказиш жараёни; олтинчи босқичда ишлаб чиқилган турмашрутни фойдаланишга жорий этиш ҳақида қарор қабул қилиш кетма-кетлигида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Инновацияларни жорий қилиш ва янги хизмат турларини ишлаб чиқиш турли хил иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилганлиги сабабли, давлат томонидан қўллаб-қувватланмай туриб, инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантириш мумкин эмас.

Бунинг учун иккита схемадан фойдаланишни талаб қилади: ҳудудий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг махсус мақсадли дастурлари ва ажратмаларини амалга оширишда давлатнинг бевосита иштироки; туризм соҳасида минтақавий мақсадли дастурларни амалга оширишда давлат, хусусий ва давлат-хусусий шерикчилиги тамойилларини жорий қилиш.

Бу борада минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятлар ҳудудий туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда мувофиқлаштириш кенгашини тузиши ва минтақадаги туристик ресурсларнинг салоҳиятини, унинг жозибадорлигини аниқлаши лозим. Шу сингари, минтақавий ЯХМни ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, илмий тадқиқот институтларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ёндошиши керак. Дастурни амалга оширишда минтақадаги фаолият олиб бораётган хусусий ва давлат ташкилотлари имкониятларини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари ишлаб чиқиладиган дастурларнинг истеъмолчиларга йўналтирилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.



3-расм. Туризмнинг минтақавий инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда давлат-хусусий шерикчилиги²¹

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ҳозир республикамизнинг барча вилоятларида туризм соҳасидаги минтақавий мақсадли дастурлари ишлаб чиқилиб, давлат, хусусий ва давлат-хусусий шерикчилиги тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Бу борада Туризм ва спорт вазирлиги қошида «Миллий PR маркази» ДУК алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ишларни амалга ошириб келмоқда. Лекин бу олиб борилаётган ишлар етарлича эмаслигини тадқиқотлар натижаси кўрсатмоқда. Муаллифнинг фикрича, вазирлик қошидаги «Миллий PR маркази»нинг фаолиятини кенгайтириб, уни такомиллаштирган ҳолда «Туризм мультимедиа маркази» ДУКни ташкил қилиш лозим. Сабаби, туристларга рақобатбардош ва сифатли хизматлар кўрсатишда бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Масалан, туристларнинг республикамизда қолиш кунларини узайтиришда муҳим аҳамиятга эга тадбирларни (туристик объектларда туристлар учун махсус тарихий-маданий ва ахборот берувчи сахналаштирилган томошалар кўрсатиш) ўтказиш хизматлари етарлича амалга оширилмаяпти.

Миллий туризмни тарғиб қилувчи юқори сифатли мультимедиа телемахсулотлар, ток-шоу жанрларидаги миллий кўрсатувларни ташкиллаштириш ва туризм хизматларини амалга оширувчи ташкилотларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаган.




4-расм. «Туризм мультимедиа маркази» ДУКнинг тuzилиши ва вазифалари²²

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда тавсия этилаётган «Туризм мультимедиа маркази» ДУКнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан

²² Тадқиқотчининг кузатиш олиб бориши натижалари бўйича тавсия этаётган ишланмаси.

иборат бўлиши керак: дунёга машҳур туризм объектларида туристлар учун махсус тарихий-маданий ва ахборот берувчи сахналаштирилган томошалар кўрсатиш (Регистон, Оқсарой майдонларида Амир Темур замонидаги тарихий кўринишдаги сахналаштирилган театр томошалар); машҳур туризм объектлари олдида миллийликни тарғиб қилувчи концертларни доимий равишда уюштириш (Ичан қалъада, Лаби ҳовузда, Регистон майдонида); туризм бўйича ток-шоу жанрларидаги миллий кўрсатувларни тайёрлаш (марказий ва вилоятлардаги телерадио компаниялари билан); замонавий ахборот берувчи мультимедиали рекламаларни дунёдаги етакчи телеканаллар ва элчихона, консулликлар орқали реклама қилиш; миллий туризмни тарғиб қилувчи юқори сифатли мультимедиали телемаҳсулотлар тайёрлаш («Ўзбекистон тарихи», «Дунё бўйлаб»); туризм фирмалари, меҳмонхоналар ва туристик хизматларни амалга оширувчи ташкилотларга медиа-технологик хизмат кўрсатиш ва бошқа ташкилий, техник ва технологик ёрдамлар кўрсатиш лозим.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра, иқтисодиётга рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш борасида дунё туризмида янги йўналиш ҳисобланаётган «Туризм 4.0» платформаси ишлаб чиқилмоқда. Агар илгари саноат соҳасида қўлланилган «Саноат 4.0» ёки «Ақлли фабрика» тушунчалари рақамлаштиришни ривожлантириш учун асос бўлган бўлса, ҳозирги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда ушбу ёндашув хизмат кўрсатиш соҳаси бўлган туризмга нисбатан қўлланилмоқда.



5-расм. «Туризм 4.0» рақамли платформа моделининг элементлари ва тамойиллари²³

Туризм ривожланган давлатларда аллақачон «Туризм 4.0» рақамли платформаси амалиётга босқичма-босқич жорий этилмоқда. 2018 йилдан қўшни Қозоғистон туризмида ҳам «Туризм 4.0» платформасининг баъзи элементлари жорий этила бошлади. Туркия туризми дунёда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун «Туризм 4.0» платформаси элементларидан бири ҳисобланган рақамли маркетингга сезиларлича маблағлар ажратмоқда. Россия Федерациясида ҳам

²³ Тадқиқотчи томонидан таклиф қилинаётган «Туризм 4.0» модели платформасининг ташкилий тузилиши.

аллақачон «Саноат 4.0» концепциясидан келиб чиққан ҳолда ўз «Туризм 4.0» рақамли платформа моделини ишлаб чиқиш ишлари бошлаб юборилган²⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, кўшни мамлакатларда «Туризм 4.0» рақамли платформа моделини яратиш ишларига киришиб кетилганлиги яқин кунларда бу йўналишда кучли рақобат юзага келишидан далолат беради. Ўзбекистонда ҳам туризм ва меҳмондўстликни рақамлаштириш элементлари ва ушбу соҳада миллий «Туризм 4.0» рақамли платформа моделини яратиш керак.

Муаллиф таклиф қилаётган «Туризм 4.0» рақамли платформа модели қуйидаги элемент ва тамойилларни ўз ичига олиши керак: туризм компаниялари, меҳмонхоналар, овқатлантириш корхоналари, транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотларни бирлаштирувчи ягона автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш; туризм хизматлари номенклатураси ва турмахсулотлар бўйича ахборот узатишни, реклама қилишни «Миллий бренд» (Миллий бренд устидаги ишларни жадаллаштириш) остида интернет тизими орқали амалга ошириш; соҳадаги илмий тадқиқот ишларининг аҳамиятини ошириш (Туризм тадқиқот институти) мақсадида турли соҳадаги етакчи мутахассисларнинг изланишларини бир йўналишга бирлаштириш; соҳадаги барча субъектларнинг ички бошқарувини ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, автоматлаштирилган бошқарувни амалга ошириш; миллий турмахсулотнинг ҳаётий циклини узайтиришга инновацияларни кенг жорий этиш борасида хизмат кўрсатувчи субъектлар имкониятларини бирлаштириш; туристлар билан онлайн алоқани доимий назорат қилиб бориш ва қўшимча маълумотларни узатиш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Ишнинг тўртинчи боби «**Туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластер усуллари қўллашнинг самарали йўллари**»га бағишланган. Унда туризм инфратузилмасини шакллантиришда кластерлаштириш усуллари, минтақавий туризм кластерларини жорий этиш механизмлари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, кластерларни жорий қилишда минтақаларнинг туризм бўйича жозибadorликни ошириш ва шу орқали хизматлар рақобатбордошлигини таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб борилган.

Минтақаларни ривожлантириш учун устувор тармоқларда кластерларни нафақат ўрта муддатли, балки узоқ муддатли, стратегик истикболли, глобаллаштириш ва халқаро рақобат жараёнлари ривожланиши нуқтаи назаридан яратиш мақсадга мувофиқ.

Республикаимизнинг административ бўлиниши ва минтақаларни комплекс ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган кластерларни ташкил қилишда туристик минтақаларни қуйидагича ажратиш мақсадга мувофиқ: Тошкент (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри), Фарғона (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари), Жиззах-Сирдарё (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), Самарқанд (Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳри), Бухоро-Навоий (Бухоро ва Навоий вилоятлари), Жанубий туристик минтақа

²⁴ Богомазова И.В., Аноприева Е.В., Климова Т.Б. Цифровая экономика в индустрии туризма и гостеприимства: тенденции и перспективы. //Сервис в России и за рубежом. 2019. Т. 13. Вып. 3. – С. 34-47.

(Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), Хоразм (Хоразм вилояти), Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси) туристик минтақаларга ажратиш таклиф қилинди. Кўриб ўтилаётган ва тавсия қилинаётган Ўзбекистондаги саккизта туристик минтақани алоҳида ихтисослаштирилган кластер шаклида ривожлантириш ва уларни туристик жозибадорлиги нуқтаи назаридан қуйидаги учта кластерни илгари суриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаллиф ўртача туристик жозибадорликга эга минтақалардан иборат биринчи кластерга 4 та минтақани киритиш таклиф этади. Бу минтақаларда инфратузилма ривожланиши суст бўлиб, туристик юклама ва хорижий туристлар улуши маҳаллий туристлар сонидан ўртача даражадан паст. Бу кластерга рекреацион-соғломлаштириш ресурсларга бой Жиззах-Сирдарё, Фарғона, Қуйи Амударё ва Жанубий туристик минтақаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи гуруҳ минтақасига Тошкент ва Самарқандни киритиш мақсадга мувофиқ, сабаби бу ерга хорижий туристлар сайёҳлик билан бир қаторда хизмат доирасида ишбилармонлик йўналишида ташриф буюради. Бу минтақада аралаш туристик ресурсларга (тарихий-маданий, рекреацион) бой минтақа ҳисобланади.

Учинчи гуруҳга Бухоро-Навоий ва Хоразм минтақаларини киритиш мақсадга мувофиқ, сабаби бу ерда маданий-тарихий туризм жозибадорлиги нуқтаи назаридан инфратузилма етарлича ривожланган.

Туристтик-рекреация зоналари фаолиятига инновацион илмий ютуқларни жорий этиш, татбиқ этиш, бошқарув соҳасидаги энг яхши амалиёт, меҳнатни ташкил этиш ва технологиядир. Туризм соҳасидаги инновациялар янги туризм йўналишлари, лойиҳаларни яратиш, уларнинг ишга туширилиши аҳоли бандлиги ва даромадлари ошиши имконини беради.

Шу билан биргаликда минтақавий кластерларни ташкил қилишда давлат-хусусий шерикчилиги имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда туристик ресурсларни ўзлаштириш талаб этилади. Бу айниқса ташкил қилиниши кутилаётган кластерларнинг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бунда кластер тузилмасидаги бошқарув компанияси зиммасига давлат-хусусий шериклик муносабатларини ҳам ривожлантириш юклатилади. Бошқарув компанияси кластернинг ривожлантириш лойиҳаларини ҳам бир вақтда назорат қилиб бориши керак. Бунда Жиззах минтақасида давлат-хусусий шерикчилиги асосида мавжуд ресурслардан фойдаланиш бўйича қуйидагиларни келтириш мумкин: соғломлаштириш туризминини ривожлантириш учун асос сифатида хизмат қилувчи санаторий-курорт муассасаларининг ривожланган тизими мавжудлиги; тоғ-қишки туризм, соғломлаштириш туризми, спа-хизматлар, маданий, сув ва саргузаштли туризмни ривожлантириш учун салмоқли салоҳият мавжудлиги; тоғ-чанғи спортини янада ривожлантириш имкониятларини белгиловчи замонавий туризм инфратузилма элементлари мавжудлиги; республикамизнинг бошқа ҳудудларга нисбатан етарли даражада ривожланган турар жой тизими мавжудлиги (асосан миллий уй меҳмонхоналари). Бу каби имкониятлардан ҳамкорликда фойдаланиш орқали

рақобатбордош турмаҳсулотларни ишлаб чиқариш ва инфратузилмани такомиллаштириш мумкин бўлади.

Ташкил қилиш таклиф этилаётган минтақавий туристик-рекреация кластерига кирувчи, географик жойлашувига кўра Жиззах вилоятидаги Зомин, Бахмал ва Фориш туманлари кўпроқ рекреацион туристик жозибадорликга эга бўлиб, бу ерга ташриф буюрувчиларнинг аксарият қисми табиат манзараси ва рекреация йўналишига қизиқади. Тадқиқотларга кўра, айти пайтда минтақада туристик-рекреация кластерини тўлақонли ташкил этиш учун Жиззах шаҳри, Ғаллаорол туманларини ҳам киритиш мумкин.

Минтақада туристик-рекреацион кластерни ташкил қилишга эҳтиёж туғилишининг асосий сабаби, ҳудуд бой туризм имкониятларига эга бўлишига қарамай, ундан фойдаланиш даражаси жуда паст кўрсаткичларга эгалигидир. Буни минтақага ташриф буюрган хорижлик туристлар сонидан ҳам кўрса бўлади. 2016 йилда 1126 та, 2017 йилда 2800 та, 2018 йилда 5800 та 2019 йилда 11734 та хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатилган бўлиб, 2019 йилда 2016 йилга нисбатан қарийб ўн бир бароварга ортган бўлишига қарамай, бу кўрсаткич минтақа салоҳиятига умуман мос келмайди²⁵.

5-жадвал

Жиззах вилоятидаги туризм объектлари бўйича маълумот²⁶ (сони, бирлик)

Кўрсаткичлар номи	2010 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Туризм намоиши объектлари						
Архитектура ёдгорликлари	28	32	40	42	42	42
Археологик обидалар	107	120	212	244	244	244
Монументал санъат ёдгорликлари	39	45	52	63	63	65
Музейлар	3	3	3	3	3	3
Диққатга сазовор жойлар	10	15	15	23	23	25
Жами:	187	215	322	375	375	379
Зиёрат туризми объектлари						
Зиёрат туризми объектлари	7	7	7	8	8	8
Эко-агротуризм объектлари						
Ўрмон хўжаликлари	7	7	7	7	7	7
Қўриқланувчи ҳудудлар	3	3	3	3	3	3
Эко-агротуризм объектлари	0	0	0	4	5	6
Жами:	10	10	10	14	15	16

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавжуд туризм инфратузилмаси миқдори ва сифатини, транспорт воситалари имкониятлари, географик жойлашуви, туризм хизматларининг турли-туманлиги ва янги турини яратиш

²⁵ Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси маълумотлари.

²⁶ Тадқиқотчи тамонидан Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси маълумотлари асосида тузиб чиқилди.

имкониятларини таҳлил қилиш натижасида «Жиззах туристик-рекреацион кластери»га вилоятдаги бешта туманда жойлашган туризм объектлари ва субъектларини киритиш мумкинлиги аниқланди.

Уларнинг туризм бўйича ихтисослиги, табиий-иқлим шароитлари ва жойлаштириш ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра ўзаро яқинлиги уларни бир кластер тизимига бирлаштириш имкониятини яратади.

6-жадвал

Жиззах минтақасининг туризм-рекреация кластерида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари²⁷

Ҳудуд номи	Туризм турлари	Туризм ихтисослиги
Жиззах шаҳри	тарихий, маданий-маърифий; бизнес-туризм; тиббий-соғломлаштириш; спорт; шоппинг туризм	меҳмонхоналар мажмуасининг ривожланиши; аквапарк ташкил этиш; шаҳарнинг кўнгилочар марказини яратиш (дўконлар, боғлар, аттракционлар, кинотеатрлар ва бошқалар билан.); болалар таълим марказларини яратиш; Жиззах минтақаси умумий фонини яратиш; шаҳарнинг туризм соҳасида ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш
Фориш	спорт ва тиббий-соғломлаштириш; саргузаштли; экологик; сувли круиз	спорт ўйинлари (миллий кураш ва кўпқари-улоқ) билан бирга намунавий туризм дестинацияси яратиш; давлат аҳамиятидаги геопаркларни яратиш; спа-курортларни яратиш; экологик парк яратиш; Айдаркўлда круизни ривожлантириш
Зомин	спорт ва қишки спорт турлари; экологик; саргузаштли ва экзотик; этнография; сув спорти; маданий-маърифий; алпинизм	меҳмонхона мажмуасини яратиш; тоғ-чанғи трассаси билан экстрим марказ қурилиши; -визит-марказ, «Тоғ-ўрмон» экомажмуаси ва туризм маркази яратиш; «Зомин сув омбори»да маҳаллий аҳамиятга эга рекреацион майдонда туризм манзилгоҳи қуриш; спорт ўйинларини (кўпқари-улоқ) ривожлантириш марказини барпо этиш
Ғаллаорол	тиббий-соғломлаштириш; маданий-маърифий; агротуризм; қишлоқ туризми	тиббий-соғломлаштириш бўйича жиҳозланган сайёҳлик объектлари қуриш; «қишлоқда бир кун» – туризм марказини қуриш; катта йўл ёқасида замонавий кемпинг қуриш; агротуризмнинг ташкилий марказини барпо этиш
Бахмал	алпинизм ва спортнинг бошқа турлари; тиббий-соғломлаштириш; маданий-маърифий; экзотик; агротуризм	соғломлаштириш ва спа-курортларни яратиш; турар жой воситалари тармоғини ривожлантириш; кўшимча туризм инфратузилмаларини ривожлантириш


Ҳудудий жиҳатдан ташкил қилинаётган кластернинг умумий туризм инфратузилмасини шакллантиришда (Жиззах шаҳри, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманлари) туризм турлари ва ихтисослигини аниқлаб олиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бу борада олиб борилган кузатишлар

²⁷ Тадқиқотчининг изланишлари натижасидан ишлаб чиқилган.

натижасида 5 та салоҳиятли туристик-рекреацион ресурсларга бой ҳудудларнинг ҳар бири учун туризми ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ақс эттирувчи ихтисослик аниқланди.

Минтақадаги туризм инфратузилма асосан кластерга киритилиши режалаштирилаётган ҳудудларда ривожланаётган бўлиб, 2020 йил ҳолатига меҳмонхонларнинг асосий қисми Жиззах шаҳрида 21 та, Зомин туманида 4 та, Ғалларол туманида 3 та, Фориш туманида 2 та, Бахмал туманида 1 тани ташкил этади. Шунга мос равишда меҳмон уйлари Зомин туманида 30 та, Бахмал ва Фориш туманларида 10 тадан, Ғалларол туманида 4 та бўлиб, ўтган йилларга нисбатан уларнинг сони ортиб бораётганлигини кўрсатади. Лекин афсуски, вилоятнинг бир қатор туманларида (Зарбдор, Зафаробод, Пахтакор, Янгиобод, Арнасой, Мирзачўл) деярли меҳмонхона ва жойлаштириш воситалари йўқ.

Минтақада кластерни ривожлантиришнинг асоси қилиб олинаётган рекреацион-соғломлаштириш йўналиши бўйича имкониятларни ўрганиб чиқилса, бу борада санаторий ва соғломлаштириш объектларининг нисбатан ривожланган инфратузилмаси мавжудлиги кузатилади. Кластерга киритиш таклиф қилинаётган ҳудудларда санаторий ва соғломлаштириш объектларининг жойлашуви бўйича, 2020 йил ҳолатига Жиззах шаҳрида 10 та, Зомин туманида 5 та, Бахмал ва Ғалларол туманларида 1 тани ташкил этади.



6-расм. «Жиззах туристик-рекреацион кластери»га киритилиши тавсия этилаётган ҳудудлар²⁸

Ташкил этилиши таклиф қилинаётган кластер туристик-рекреацион салоҳиятдан фойдаланиш уларнинг рақобатбардошлигини ва бутун мавсум давомида дам олувчиларга туризм ва рекреация хизматларини халқаро миқёсда тақдим этишни таъминлаш имконини беради.

Бу борадаги таҳлилларга кўра, Жиззах шаҳрида (тарихий, маданий-маърифий ва бизнес туризми), Фориш туманида (экологик, сафари, пляж, спорт

²⁸ Муаллиф ишланмаси.

ва тиббий-соғломлаштирувчи туризм), Зомин туманида (экологик, саргузашт ва экзотика, этнография, қишки спорт турлари, альпинизм, сув спорти туризми), Ғаллаорол туманида (тиббий-соғломлаштириш, маданий-маърифий ва агротуризм), Бахмал туманида (альпинизм, спорт, саргузаштли ва агротуризм) турларидан йил давомида фойдаланиш имкониятини яратади.

Тавсия этилаётган кластернинг муваффақиятли фаолият юритишида кластер фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши асосий вазифани бажариши керак. Мувофиқлаштириш кенгаши қарори ва чиқарган хулосаси бошқарув компанияси фаолияти самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун мувофиқлаштириш кенгашига энг катта босим тушади.



7-расм. «Жиззах туристик-рекреацион кластери» тузилмаси²⁹

Умуман, кластер минтақанинг ўз рақобатбардошлигини таъминлаш учун, яъни беш-ўн йил ва ундан кўпроқ даврда корхоналарни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни яратиш учун ҳақиқий имкониятдир. Бу ерда муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари бизнес раҳбарларининг фаол позицияси ва минтақадаги турли ташкилий гуруҳлар манфаатлари орасидаги ижобий ҳамкорликдир. Шундай экан, кластернинг муваффақият калити тараққий этган рақобат, самарали бошқарувга йўналтирилганлик ва минтақа маъмурияти томонидан кўрсатилувчи кўмак ҳисобланади.

Диссертация ишининг бешинчи боби «Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари»га бағишланган бўлиб, қишлоқ туризми инфратузилмасини шакллантиришда хориж тажрибасини қўллаш, COVID-19 пандемиясининг туризмга таъсирини

²⁹ Муаллиф томонидан таклиф этилган кластернинг тузилмаси.

юмшатиш йўллари ва инфратузилманинг ривожланиш кўрсаткичлари эконометрик моделлаштирилган ва прогнозлаш амалга оширилган. Маълумки, 2020 йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички туристлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ тuroператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Бу гидлар, миллий хунармандчилик, зиёратгоҳ ва сихатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди. Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида бу соҳага ҳам қатор энгилликлар берилди. Жумладан, 1750 та субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. Лекин бу имтиёз ва преференциялар вақтинчаликдир. Доимий барқарор ривожланиш учун эса пандемия шароитида ишлашга ўрганиш зарур. Бунга асосан ички туризмни ривожлантириш орқали қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшаш даражасини оширишга эришиш мумкин. Сабаби қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг салоҳиятли имкониятлари жудда каттадир.

Дунёда қишлоқ туризмни ривожлантириш орқали ички туризм, сўнгра халқаро туризмни ривожлантирган ва жаҳон туризмида «лидер» ўринларни эгаллаб келаётган АҚШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Италия, Австралия ва Испания давлатлари жаҳон туризмидаги ҳозирги мавқеига дастлаб қишлоқ туризмни ривожлантириш орқали эришилди.

Энди тан олиш лозимки, қишлоқ туризмни ривожлантириш борасида республикамизда ҳали жиддий илмий тадқиқотларнинг бошланмаганлигини ҳисобга олиб, халқаро тажрибаларни ўрганиш зарур.

Бунга асосан қишлоқ туризмни ривожлантириш дастурига қуйидагилар киритиш лозим: қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш; салоҳиятли туристларга ва ривожланаётган тармоқларнинг ахборот бюроларига қишлоқ туризми ҳақидаги барча маълумотларни, ахборотларни бепул етказиб бериш; қишлоқ инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича мақсадли имтиёзли маблағлар ажратиш; қишлоқларда туристик ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда туристик корхоналарни давлат-хусусий шерикчилик асосида шакллантириш ва давлатнинг фоизли қатнашувини таъминлаш; қишлоқ жойлари инфратузилмаси ривожланиш ҳолати мониторингини доимий ўтказиб бориш; қишлоқ хўжалик кластерлари, фермер хўжаликлари ва фермерлик фаолиятини рағбатлантириш сиёсатини қўллаш; қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш учун инвесторларни излаш.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантириш асосида қишлоқлардаги мавжуд ишсизлик муаммосини ҳал этиш, камбағалликни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни кўпайтириш ва сифатини ошириш, қишлоқларнинг иқтисодини ривожлантириш, савдони ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, халқаро ҳамдўстликни кучайтириш сингари муҳим масалаларда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда туризм соҳаси кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модель тузиш, тузилган моделни турли тестлар орқали текшириш ҳамда моделнинг статистик аҳамиятини аниқлаб, келгуси даврларга прогнозлаш, тармоқда оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун бу борада олиб борилган тадқиқот диссертацияда кенг ёритилган бўлиб, унинг қисқача мазмунини келтириб ўтиш мумкин. Республика туризми инфратузилмаси ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Улар жумласига ташриф буюрган туристлар сони, туризм хизматлари экспорти, туризм фаолияти олиб бораётган фирма ва ташкилотлар сони, меҳмонхоналар сони, туризм соҳасига киритилаётган инвестициялар ва бошқа бир қатор омилларни келтириш мумкин.

Туризм инфратузилмаси фаолияти кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик модель тузиш учун қуйидаги омиллар танлаб олинди (2000-2020 йиллар бўйича маълумотлар): натижавий кўрсаткич – олинган даромад, млрд. сўм (Y), таъсир этувчи омиллар – ташриф буюрган туристлар (минг киши ҳисобида) (X_1), туризм хизматлари экспорти (млн. АҚШ дол. ҳисобида) (X_2), туризм фаолиятини юритаётган фирма ва ташкилотлар сони, бирлик (X_3), меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони (X_4), туризм саноатига жалб қилинган инвестициялар (млрд. сўм) (X_5).

Ўзгарувчиларнинг ўлчов бирлиги турлича бўлганлиги учун ҳамда кўп омиллик эконометрик моделнинг интерпритациясини яхшироқ тушунтириш учун барча омиллар қийматлари логарифмланади.

Кўп омилли эконометрик модель тузишда аввал омиллар бўйича тавсифий статистика ўтказилди. Бунинг учун махсус эконометрик моделлаштириш дастури – Eviews 10 дастуридан фойдаланилди. Ўтказилган тавсифий статистика натижалари қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматларини кузатиш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) – стандарт четланиш коэффициенти ҳар бир ўзгарувчининг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Олинган маълумотларидан фойдаланиб, кўп омилли эконометрик моделнинг математик кўринишини келтириш мумкин:

$$\ln \hat{y} = -9,4221 + 1,3344 \ln x_1 + 0,4829 \ln x_2 + 0,2609 \ln x_3 + 0,1734 \ln x_4 + 0,0496 \ln x_5 \quad (1)$$

(0,4176) (0,1799) (0,0841) (0,0637) (0,0154) (3,1824)

бу ерда думалоқ қавслар ичида ҳар бир омилнинг стандарт хатолиги.

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель кўрсатадики, ташриф буюрган туристлар (минг киши ҳисобида) ($\ln x_1$) ўртача 1,0 фоизга ортса, олинган даромад ҳажмини ($\ln y$) ўртача 1,3344 фоизга ортиши мумкин экан. Туристлик хизматлар экспорти ($\ln x_2$) ўртача 1,0 фоизга ортиши, олинган даромад ҳажмини ($\ln y$) ўртача 0,4829 фоизга ортишига олиб келар экан. Туризм фаолияти юритаётган фирма ва ташкилотлар сони ($\ln x_3$) ўртача 1,0 фоизга

ошиши, олинган даромад ҳажми ($\ln y$) ўртача 0,2609 фоизга ортишига олиб келиши кузатилмоқда. Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сонининг ($\ln x_4$) ўртача 1,0 фоизга ортиши, олинган даромад ҳажми ($\ln y$) ўртача 0,1734 фоизга ортишига олиб келиши мумкин. Туризм саноатига жалб қилинган инвестициялар ($\ln x_5$) ўртача 1,0 фоизга ортиши, олинган даромад ҳажми ($\ln y$) ўртача 0,0493 фоизга ортишига олиб келиши мумкин.

7-жадвал

Омиллар бўйича тавсифий статистика

	LNY	LNX ₁	LNX ₂	LNX ₃	LNX ₄	LNX ₅
Mean (ўртача)	5.008319	7.145101	4.610795	5.742992	5.941002	2.831976
Median (медиана)	4.542067	6.751822	4.695081	5.763473	5.874749	3.027712
Maximum (максимум)	9.163458	8.817001	7.180070	7.054450	7.080026	3.985273
Minimum (минимум)	3.165475	6.507576	3.072693	4.927254	5.375278	0.875469
Std. Dev. (стандарт четланиш)	1.819472	0.696709	1.261217	0.542581	0.522833	0.838850
Skewness (асимметрия)	1.195752	1.067439	0.499595	0.510701	0.657217	-0.822328
Kurtosis (эксцесс)	3.358408	3.166395	2.333080	3.384337	2.309880	3.241861
Jarque-Bera (Жак-Бера)	4.873126	3.821159	1.202635	0.992482	1.836669	2.302823
Probability (эҳтимоллик)	0.087461	0.147995	0.548089	0.608815	0.399183	0.316190
Sum (йиғинди)	100.1664	142.9020	92.21590	114.8598	118.8200	56.63951
Sum Sq. Dev. (стандарт четланиш йиғиндиси)	62.89910	9.222653	30.22271	5.593490	5.193727	13.36972
Observations (кузатувлар)	20	20	20	20	20	20

Кўп омилли эконометрик модель сифатини текшириш учун детерминация коэффицентини текширилади. Детерминация коэффицентини натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффицентини (R^2 - R-squared) 0,9549 га тенг. Бу туризм инфратузилмасидан олинадиган даромад ҳажмининг ($\ln y$) 95,49 фоизи кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 4,51 фоизи ($1,0-0,9549$) ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

Шу билан бирга олиб борилган тадқиқотлар натижасида республикада туризми инфратузилмаси ривожланишининг 2000-2020 йиллардаги кўрсаткичлари асосида 2021-2025 йилгача ривожланиш кўрсаткичлари прогноз қилинди. Прогнозлар кўрсатишича, пандемиядан олдинги 2019 йилги баъзи кўрсаткичларга 2024-2025 йилларда чиқиб олиш мумкин экан. Прогнозлар 2021 йилда олинадиган даромадлар 3974,4 млрд. сўмни, туристлар ташрифи 2240 мингтани, туризм хизматлари экспорти 540,8 млн. АҚШ долларини, туризм фаолияти юритаётган фирма ва ташкилотлар сони 834 тани, меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 1006 тани, туризм саноатига жалб қилинган инвестициялар 76.5 млрд. сўмни ташкил қилишини кўрсатди.

Бу кўрсаткичлар мос равишда 2025 йилда даромадлар 12447.2 млрд. сўмни, туристлар ташрифи 6647.1 мингтани, туризм хизматлари экспорти 2435.4 млн. АҚШ долларини, туризм фаолияти юритаётган фирма ва ташкилотлар сони 1178 тани, меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 1410 тани, туризм саноатига жалб қилинган инвестициялар 129.2 млрд. сўмни ташкил қилишини кўрсатди. Бундан, хулоса қилиб олинса, пандемия сабабли юзага келган инқироз туризм ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодийнинг барча соҳалари каби туризмни ривожлантириш ва ундаги муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилди бошлади. Бунинг натижасида сўнгги йилларда хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган туристлар сони сезиларли даражада ортиб боришига эришилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда туризмнинг ЯИМдаги ҳиссаси республикамиздаги мавжуд туризм салоҳиятига нисбатан етарли эмаслиги маълум бўлиб қолмоқда.

2. Тадқиқот жараёнида замонавий туризм инфратузилмаси ривожланишининг илмий-назарий асослари, замонавий туризмнинг вужудга келиш жараёнлари ва босқичларини ўрганиб чиқишда шу нарса намойён бўлдики, у ривожланиш жараёнида бир неча босқичларни босиб ўтган бўлиб, ҳар бир босқичда амалга оширилган ишлар илмий асосланди. Ўз навбатида, туризмни ташкил қилиш турига кўра таснифланиши билан бирга саёҳатларни ташкил қилиш йўналишлари ва инфратузилмасини ташкил қилувчи воситалар, унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш натижасида инфратузилма элементлари турли хил белгиларига кўра таснифланди.

3. Жаҳон туризмнинг ривожланиш тенденциялари тўлиқроқ таҳлил қилинганда, туристик ресурслардан фойдаланиш имкониятлари даражасини минтақалар мисолида ўрганиш кераклиги аниқланди. Тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, Европа минтақаси туризми жаҳондаги энг ривожланган инфратузилма эгаллиги ва унинг тажрибаларидан республикамизда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолати бир тизимга келтирилиб таҳлил қилиниши натижасида шу нарса аён бўлдики, республикамизда туризм инфратузилмаси шаклланиш босқичлари эволюцион йўл билан ривожлантирилганлиги ўрганилди ва унинг ривожланиши етти босқичга бўлинди. Ҳар бир босқич бўйича амалга оширилган ишлар ва унинг бўлиниши асосланди. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари схемаси ишлаб чиқилди.

5. Республикамиз туризмни ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири «Буюк Ипак йўли» лойиҳасини ривожлантиришга қаратилиши кераклиги илгари сурилди. Шу билан бирга туристлар оқимининг МДҲ ва яқин қўшни мамлакатлар улуши юқориликка сабаб бўлган омиллар келтирилди. Узоқ хорижий давлатлар бозоридаги етакчи мамлакатлардан ташриф буюрган

туристлар тенденцияси ўрганилганда асосий туристларни етказиб берувчи саккизта мамлакат мавжудлиги аниқланди. Бу давлатлар туризм бозоридаги оқимининг ўртача 60-70 %ни таъминлаб бериш омили асосланди.

6. Туризм инфратузилмаси ривожланишидаги муаммоларни рақамли инновацион технологияларни қўллаш орқали ҳал қилиш тавсия этилди. Агар тавсия этилаётган босқичлар муваффақиятли амалга оширилса, ҳар қандай туристик корхона инновацияни жорий этганда максимал фойда олишга киришади. Шундай муҳит юзага келиши мумкинки, бунда монопол мавқега эга бўлиш ҳам табиий. Шунинг учун бу жараён жудда мураккаб ҳисобланади. Туризмда бошқа тармоқларга нисбатан рақамли инновацион технологияларни қўллаш бир неча марта самарали бўлиб, туризм компаниялари ва меҳмонхоналар ривожланишига тегишли шароитлар яратилади.

7. Туризм инфратузилмасини мукамал шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларимизда етарлича эмаслигини тадқиқотларимиз натижаси кўрсатмоқда. Минтақанинг туристик ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган дастурларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчилиги имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Масалан, кўпгина вилоятларда шу кунгача туристларга етарлича маълумот берувчи махсус интернет сайтлари (Жиззах, Сирдарё) мавжуд эмас. Интернет сайтлари мавжудларида ҳам ҳозирги ахборот-технологиялари ривожланган бир пайтда тўлақонли ишламаяпти. Бу борадаги муаммоларни атрофлича бартараф этиш мақсадида келажакда вазирлик қошидаги «Миллий PR маркази»нинг фаолиятини давлат-хусусий шерикчилиги тамойиллари асосида кенгайтириб, уни такомиллаштирган ҳолда «Туризм мультимедиа маркази» ДУКни ташкил қилиш орқали самарадорликка эришиш йўллари ишлаб чиқилди.

8. Туризмда рақамли инновацион технологияларни жорий этиш борасида дунё туризмида янги йўналиш ҳисобланаётган «Туризм 4.0» платформаси ишлаб чиқилмоқда. Бундан келиб чиқилса, қўшни мамлакатларда «Туризм 4.0» рақамли платформа моделини яратиш ишларига киришиб кетилганлиги, яқин кунларда бу йўналишда кучли рақобат юзага келишидан далолат беради. Муаллиф ҳам имкониятларни сарҳисоб қилган ҳолда, туризм ва меҳмондўстликни рақамлаштириш элементлари ва ушбу соҳада миллий «Туризм 4.0» рақамли платформа моделини яратиш механизмлари ишлаб чиқилди.

9. Минтақаларда туристик ресурслардан самарали фойдаланишда давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида ташкил этилса инфратузилманинг тезроқ ривожланишига ёрдам бериши асосланди. Шу билан биргаликда давлат минтақавий туристик кластерларнинг шаклланиш жараёни ва ривожланишида, айниқса биринчи босқичда, муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланди. Масалан, Жиззах минтақасида туристик рекреацион-соғломлаштирувчи кластерни ривожлантириш учун инфратузилманинг имкониятлари етарли эканлигини кўрсатади. Худудий жиҳатдан ташкил қилинаётган кластернинг умумий туризм инфратузилмасини шакллантиришда (Жиззах шаҳри, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманлари) туризм турлари ва ихтисослигини аниқлаб олиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бу борада олиб борилган кузатишлар

натижасида 5 та салоҳиятли туризм-рекреация ресурсларига бой ҳудудларнинг ҳар бири учун туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ақс эттирувчи ихтисослиги аниқланди.

10. Республикамиз туризми COVID-19 пандемияси туфайли чуқур инқирозга тушиб қолди. Бу инқироздан имкон қадар тез чиқиб кетиш борасида қишлоқ туризмни ривожлантириш механизми бўйича таклифлар берилди. Шу билан бирга мамлакатда қишлоқ туризмни ривожлантиришда биринчи навбатда вазирлик таркибида «Қишлоқ туризмни ривожлантириш» бўлимини ташкил тавсия этилди.

11. Республикамизда туризм инфратузилмаси ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди. Шунинг учун туризм инфратузилмаси фаолияти кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик модель ишлаб чиқилди. Кўп омилли эконометрик модель кўрсатдики, ташриф буюрган туристлар сони ўртача 1,0 фоизга ортса, даромад ўртача 1,3344 фоизга, туризм хизматлари экспорти ўртача 1,0 фоизга ортиши, даромад ўртача 0,4829 фоизга, туризм фирма ва ташкилотлари сони ўртача 1,0 фоизга ошиши, даромад ўртача 0,2609 фоизга, меҳмонхоналар сони ўртача 1,0 фоизга ортиши, даромад ўртача 0,1734 фоизга, туризм саноатига жалб қилинган инвестициялар ўртача 1,0 фоизга ортиши, даромад ўртача 0,0493 фоизга ортиши аниқланди.

Шу билан бирга олиб борилган тадқиқотлар натижасида республикамиз туризми инфратузилмаси ривожланишининг 2000-2020 йиллардаги кўрсаткичлари асосида 2021-2025 йилгача бўлган ривожланиш кўрсаткичлари прогноз қилинди. Прогнозлар кўрсатишича, пандемиядан олдинги 2019 йилги баъзи кўрсаткичларга 2024-2025 йилларда чиқиб олиши мумкин экан. Бундан хулоса қилиб олинса, пандемия сабабли юзага келган инқироз туризм ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Умуман, хулоса қилиб олсак, ҳозирги тез ўзгарувчан шароитда туризм ҳам мослашувчан бўлиши керак. Шундагина рақобатга бардошли инфратузилмани яратиш мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НОРЧАЕВ АСАТУЛЛО НОРБУТАЕВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ
СОВРЕМЕННОГО ТУРИЗМА**

08.00.17 – Туризм и гостиничная деятельность

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Ташкент – 2021

Тема докторской диссертации (Doctor of Science) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.3. DSc/Iqt150.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Абдувохидов Абдумалик Махкамович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Саидахроп Саидахмедович**
доктор экономических наук, академик

Навруз-зода Бахтиёр Негматович
доктор экономических наук, профессор

Пардаев Олим Мамаюнусович
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Национальный Университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в __:__ ч. на заседании разового Научного совета на основе научного совета DSc.03/10.12.2019.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел: (99871) 239-28-72, Факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный № ____). Адрес: 100003, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел: (0371) 239-28-72, Факс: (0371) 239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.

(протокол реестра № ____ от «__» _____ 2021 года.

Н.Х. Жумаев

Председатель разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Д.А. Рахмонов

Ученый секретарь разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

А.А. Эшгаев

Председатель научного семинара при разовом Научном совете на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сфера международного туризма являлась самым быстрорастущим и наиболее прибыльным видом бизнеса в мировой экономике до 2020 года, на которую приходится 10,4% мирового валового внутреннего продукта (ВВП), 1/10 рабочих мест, 7% мирового экспорта, 30% экспорта услуг. В 2019 году более 1,401 миллиона туристов со всего мира отправились в международные поездки и от предоставленных им услуг получено доходов на сумму 1,480 млрд долларов США. В результате внезапной вспышки пандемии COVID-19 «количество туристов в 2020 году составило 364,3 млн. человек (уменьшилось на 74% по сравнению с предыдущим годом), объем оказанных услуг составил 371,0 млрд. долларов США (уменьшился на 75% по сравнению с прошлым годом)»¹. Очевидно, что туризм сегодня переживает глубокий кризис, как и другие отрасли мировой экономики.

Для скорейшего выхода из кризиса во всех странах мира проводятся научно-исследовательские работы по выявлению факторов, влияющих на развитие туризма, повышению конкурентоспособности туристических услуг, уделению внимания привлекательности туризма, разработке новых туристических услуг, внедрению инновационных технологий в сферу, эффективному использованию туристических ресурсов в регионах, созданию специальных туристических зон, созданию новых рабочих мест, совершенствованию инфраструктуры за счет привлечения инвестиций, увеличение ее доли в ВВП и превращение туризма в рентабельную сферу

В Узбекистане проводятся масштабные работы по развитию туристического сектора, в частности, по формированию и совершенствованию современной туристической инфраструктуры. Также совершенствуются нормативно-правовые документы, регулирующие туристическую деятельность, новые стандарты и системы управления. При этом особое внимание уделяется исследованиям по совершенствованию инфраструктуры за счет развития гостиниц, заведений общественного питания, транспортных сетей, использования инновационных технологий, создания специальных туристско-рекреационных зон. Следовательно, в нашей стране разработана программа мер по решению этих вопросов, и предпринимаются усилия по обеспечению их реализации.

В ходе этого процесса одним из важных направлений Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определено «ускоренное развитие индустрии туризма, диверсификация и улучшение качества туристских услуг, расширение туристской инфраструктуры»². Исходя из вышесказанного, важно увеличить поток иностранных туристов за счет совершенствования современной туристической инфраструктуры, более широкого привлечения местного населения к внутреннему туризму, увеличения

¹ www.unwto.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»./Собрание Законодательства Республики Узбекистан, 2017 год, №6, ст.70.

экспорта туристических услуг, создания новых рабочих мест, совершенствования научно-методических основ повышения эффективности услуг при целевом использовании туристических ресурсов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4861 от 2 декабря 2016 года «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан», УП-6165 от 9 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан», постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3510 от 6 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма», ПП-4095 от 5 января 2019 года «О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли», ПП-4755 от 19 июня 2020 года «О дополнительных мерах по развитию сферы туризма при строгом соблюдении требований усиленного режима санитарно-эпидемиологической безопасности», ПП-5054 от 6 апреля 2021 года «Об организации деятельности Министерства туризма и спорта», а также других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования, направленные на формирование и совершенствование туристской инфраструктуры, проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, таких как Stanford University, Princeton University, Harvard University (США), Cambridge University (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Universidad Complutense (Испания), University of Munster (Германия), Sejong University, Korea Development Institute (Южная Корея), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Турция), Ташкентский государственный экономический университет, Международный университет туризма «Шелковый путь», Национальный университет Узбекистана, Самаркандский институт экономики и сервиса, Ташкентский государственный университет Востоковедения, Международная исламская академия Узбекистана, Ташкентский государственный аграрный университет, Бухарский государственный университет, Ургенчский государственный университет, Ферганский государственный университет (Республика Узбекистан).

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: раскрыто на основе веб-сайтов Stanford University, Princeton University (США), Harvard University (США), Cambridge University (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Universidad Complutense (Испания), Sejong University Korea Development Institute (Южная Корея), Gazi University (Турция), Ташкентского государственного экономического университета и других источников

Мировые исследования в области развития туризма, совершенствованию инфраструктуры и применения инновационных технологий привели к ряду научных результатов, включая следующие: разработан механизм повышения конкурентоспособности туристической деятельности на внешних рынках, оценено влияние организационных изменений, необходимых для оптимизации управления системой (Stanford University, Harvard University – США; University of Munster – Германия); изучены совершенствование туристской инфраструктуры и основные факторы, влияющие на нее (Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Universidad Complutense – Испания); организационно-экономические механизмы развития и управления региональным туризмом, внедрение международных стандартов в сфере предоставления туристических услуг, пути эффективного использования туристических ресурсов (Sejong University, Korea Development Institute – Южная Корея); влияние роста объема экспорта туристических услуг на рост объема ВВП (Gazi University – Турция), основаны на теоретические и методические аспекты влияния туризма на социально-экономическое развитие страны и регионов (Ташкентский государственный экономический университет, Международный университет туризма «Шелковый путь», Национальный университет Узбекистана, Самаркандский институт экономики и сервиса, Ташкентский государственный университет Востоковедения, Международная исламская академия Узбекистана, Бухарский государственный университет, Ургенчский государственный университет, Ферганский государственный университет – Узбекистан).

Проводится ряд исследований по формированию и совершенствованию туристической инфраструктуры в мире, в том числе по следующим направлениям: совершенствование межрегиональной, региональной, страновой, территориальной и местной туристической инфраструктуры; широкое использование инновационных технологий при создании объектов туризма; создание цифровых инновационных технологических платформ в туризме; развитие деятельности туристических кластеров; эффективное использование туристических ресурсов при организации туризма в сельской местности и др.

Степень изученности проблемы. Некоторые теоретические и методологические вопросы совершенствования и развития туристической инфраструктуры были изучены в литературе по развитию сферы туризма. В связи с этим особое значение приобретают научные работы зарубежных ученых, таких как P.Kotler, J.Bowen, J.Makens, Chris Ryan, D.Lundberg, M.Krishnamurthy, Ch.Y.Gee, J.C.Makens, D.Chey⁴. В исследованиях этих ученых большое внимание уделяется теоретическим аспектам туризма, истории развития, эволюции, принципам, а также роли туризма в экономике стран в современных условиях, вопросам совершенствования туристической инфраструктуры.

